

**ПАРТИЯ ДАСТУРИ ВА НИЗОМИНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК!**

**ЯХШИДАН  
БОҒ ҚОЛАДИ**  
Олтинсой тумани Улугбек номли жамоа хўжалиги худудида Президент боғи барпо этилди. Яхши ниятлар билан 7 минг туп манзарали ва 5 минг туп мевали дарахт экилди.  
■ Абдумалик ХАЙДАРОВ

Маълумки, Ўзбекистон ХДПнинг янги тахрирдаги Дастури ва тузатишлар киритилган Низомини қабул қилган партия III Курултойи ушбу ҳужжатларни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида

қўрсатма берган эди. Яқинда Марказий Кенгаш Котибияти «Ўзбекистон ХДП Дастури (Янги тахрирда) ва Низомини партия ташкилотларида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» қарорни қабул

қилиб, партия тузилмаларининг шу соҳадаги аниқ вазифаларини белгилади. Унга мувофиқ, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ХДП аъзолари томонидан Дастур ва

Низомни уюштилган ҳолда ўрганишни ташкил этишга бош-қош бўладилар. Ушбу мақсадда, бошланғич партия ташкилотларида жойлардаги мавжуд шарт-шароит ва ўз имкониятларидан қўлланадиган ҳолда

тингловчилар хоҳиш-истакларини инобатга олиб, машғулотларнинг турли (маъруза, мулоқот, суҳбат ва ҳақозолар) шаклларида фойдаланиш тавсия этилди.  
МК Котибияти машғулотларнинг на-

мунавий мавзу ва режасини маъқуллаш билан бирга, бошланғич партия ташкилотларига жорий йилнинг февраль ойида тегишли тайёргарлик ишларини олиб бориб, уларни март ойидан бошлаб ўтказишни,  
■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

# ЎЗБЕКИСТОН VOZI

2000 ЙИЛ  
1 ФЕВРАЛЬ,  
СЕШАНБА  
№ 14 (25.564).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЙOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ  
ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич!  
Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.  
Ўзбекистон Сизнинг сиймонгизда бор куч-ғайратини мамлакат ва халққа бағишлаган, толмас ва узоқни кўра билувчи раҳбарни, Россия эса, ишончли дўст ва ҳамкорни кўради.  
Биз буни юксак қадрлаймиз.  
Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга чин юракдан мустақам соғлиқ, омад ва янгидан-янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-омонлик, барқарорлик ва равнақ тилайман.

■ Владимир ПУТИН,  
Россия Федерацияси Президенти  
Вазифасини Бажарувчи  
Москва, Кремль,  
2000 йил 30 январь

Табриқнома юбориш бароварида Владимир Путин 30 январь якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга кўнғироқ қилиб, уни таваллуд кунини билан яна бир бор табриқлади.  
Хар икки томондан ҳам яқдиллик билан эътироф этилди, кейинги пайтларда ўтказилган олий даражадаги музокаралар давомида эришилган аҳдлашувлар, шакшубҳасиз, Ўзбекистон — Россия алоқаларининг ишончли истиқболли борлигининг тасдиғидир.  
Мазкур муносабатларни самарали стратегик ҳамкорлик даражасига кўтариш учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ  
ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич,  
Азиз дўстим,  
Сизни Таваллуд кунингиз билан самимий кутлайман!  
Шундай айёмда ўзингизнинг бутун куч ва тажрибангизни илгаригидек, ўз давлатингиз манфаатлари ҳамда биродар Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлида сарфлашга бағишлагингизга қатъий ишончимни изҳор этмоқчиман.  
Сизнинг дўст давлатларимиз ва биродар халқларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустақамлашга шахсан эътибор бераётганингиз мамлакатимизда юксак қадрланади. Ишончим комилки, Сизнинг бой тажрибангиз ҳамда юксак давлат лавозимидаги фаолиятингиз бундан буён ҳам Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашаверади.  
Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўта масъулиятли фаолиятингизда тулкан муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

■ Леонид КУЧМА,  
Украина Президенти  
Киев шаҳри,  
2000 йил 31 январь

31 январь кунини бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни туғилган кунини билан яна бир бор самимий кутлаб, Ўзбекистон — Украина муносабатлари бундан кейин ҳам самарали тарзда ривожланишига қатъий ишонч билдирди.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

Тошкент ва Ўрта Осиё  
Архиепископи Владимирни  
«Дўстлик» ордени билан  
мукофотлаш тўғрисида

Жамиятни маънавий янгилашга, мамлакатда дўстликни ва миллатлараро тоғувликни мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Тошкент ва Ўрта Осиё Архиепископи Владимир (Иким Василий Захарович) «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 31 январь

**ЙИЛ ОЙ КУН**

**ВАЪДА СУВДА ЧЎКМАЙДИ...**

Ҳа, сувда тош чўкади. Бироқ, шундай бўлди, ваъда ҳам сувга сингиган тош каби... «Чўкиб кетди», деб ёзди Зулхумор Сейдамова ЎзХДП Хива туман бўлимидан, — қанақа ваъда, дейётгандирсиз? Унда эшитинг:  
«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил май сонларининг бирида «Улугбек» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Касбим — фахрим» танлови эълон қилинди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Танлов шартига кўра шеърларим, ҳикояларимни юбордим.  
Хуллас, танловда учинчи ўринни олдим. Мен бу ҳақда «Ўзбекистон овози» газетасида ўқидим. Менга 12.000 сўм пул мукофоти бериши ва шеърларимни жамоа тўпламида чоп этиш мазкур жамғарма томонидан қайд этилган.  
Мен «Улугбек» жамғармасига кўнғироқ қилдим. У ердигилар тез-тез кўнғироқ қилиб туришимни айтишди. Июнь ойида жамғармадан яна бир бор сўрадим. Улар яна ваъда беришди. Қўсқаси икки йил вақт ўтди. Ваъда сувга чўкиб кетди...


**МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТГАН  
МАҚСАДИГА ЭРИШАДИ**

Мамлакатимиз Президенти иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси биринчи йиғилишида «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» мавзусида қилган маърузасини бутун Қорақалпоғистон аҳолиси зўр қизиқиш билан ўрганмоқда ва галдаги ишларни, айниқса, зиммага юкланаётган масъулиятни амалга оширишнинг дастурларини белгилаб олмоқдалар.  
Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили пахта, шולי ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Саноат, транспорт, фан ва маданият соҳаларида ҳам сезиларли даражада

силжиш бўлапти. Бироқ бу ўсиш, ўзгариш, силжиш шу кун талабларига жавоб бермайдди.  
Мустақиллигимизнинг ўтган саккиз йилида эришган ютуқларимизни янада мустақамлашда, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда янги технологияга амал қилган ҳолда ҳар бир туманда кўшма корхоналарни бунёд қилишда амалий ишлар қилинишни талаб қилинмоқда. Бунинг учун тадбиркорлик, ишбилармонликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ҳаёт тақозо этмоқда.  
Маърузада сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий, маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат, хавфсизликни

таъминлаш соҳаларида эришилган ишлар тўлалигича таҳлил қилиб берилган.  
Унда айтилганидек, ҳар бир соҳанинг ривожини энг аввало кадрларга боғлиқ. Кадрлар, айниқса, раҳбар кадрлар қанча тўғри танланса, жой-жойига қўйилса, ўзига топширилган масъулиятни ҳис этса, албатта кўзланган мақсадга эришилади. Акс ҳолда ўсиш ҳам, ўзгариш ҳам бўлмаслиги аниқ. Президентимизнинг сессияда қилган маърузаси галдаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларимизнинг дастури бўлиб хизмат этажак.

■ Рейимбой  
ЕШИМЕТОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 1 февралдан бошлаб ҳисоб ва божсони тўловлари учун хоржий валюталарини сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади\*

1 Австралия доллари	92,39	10 Люксембург франки	34,80
1 Австрия шиллинги	10,20	1 Малайзия ринггити	37,46
1 Англия фунт стерлинги	232,11	1 Германия маркиси	71,78
1 Бельгия франки	34,80	1 Польша злотийси	34,24
1 Голландия гульдени	63,71	1 СДР	194,05
1 Греция драхмаси	4,24	1000 Туркия лираси	0,26
1 Дания кронаси	18,87	1 Финляндия маркиси	23,61
1 БАА дирхами	38,76	1 Франция франки	21,40
1 АҚШ доллари	142,34	1 Швейцария франки	87,12
1 Исро фунти	41,57	1 ЕВРО	140,39
10 Испания песети	8,44	10 Жанубий Корея вони	1,27
100 Италия лираси	7,25	10 Япония иенаси	13,56
1 Канада доллари	99,15	1 Россия рубли	4,99
1 Хитой юани	17,19	1 Украина гривнаси	25,97

\*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотин ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

**25000**

Тошкентда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида шаҳар ҳокими Козим Тулаганов пойтахт корхона ва ташкилотларида ана шунча буш иш ўринлари борлигини айтди.

**МУҚИМИЙ БОБО ҚАЙТСАЛАР  
НИМА ДЕРКИНЛАР?..**

Давлатимиз раҳбари «Юртининг ободлигини билмоқчи бўлсанг, аввало унинг бозорини кўр», деган фикрни кўп айтди. Дарҳақиқат, шундай. Бозор юрт ободлигини, жамият фаровонлигини белгиловчи асосий мезон. Агар юртининг бозори бўлмаса-чи? — деб ёзди мактубида Фарғона вилояти Кенгаши депутати Хусанбой Каримов.  
— Фарғона тумани ташкил топганига 35 йил бўлаётган эрсанда туманининг бозори йўқ. Ваҳоланки, бундан 15 йил олдин «Катта бозор қурилади» — деб туман маркази яқинидаги маҳаллани кўчириб, ҳовли-жойларни буздирилди. Шундан буён 2 та айвон қад ростлаган бўлди-ю, иш тўхтаб қолди. Сулим Волил қишлоғида рўй бераётган бу воқеани Волилни кўп ва ҳуб таърифлаган шoirимиз Муқимий бобо қайтиб келсалар кўриб ёқасини ушлаб, ё тавба, дер эдилар. Эҳ Волил, Волил...

**ЎЙИНИ БИЛМАГАН...**

Кейинги пайтлар айрим бетайин кимсалар «02» га кўнғироқ қилиб фалон жойга портовчи мода қўйилган, писмадон жойда портовчи содир бўлиши мумкин, деган ёлғон гапларни тарқатишмоқда. Ички ишлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимларини беҳудага безовта қилаётган галямисларнинг бу қилмишини нима деб изоҳлашга ҳам тилинг бормайди.  
Кейинги пайтлар ана шундай ёлғон кўнғироқлар Тошкент шаҳридаги баъзи бир банк ва Юнусовод туманидаги мактабларнинг бирига нисбатан қарата айтилгани маълум бўлди. Сергак ва хушёр ҳуқуқ органлари ходимлари ўша жойларга шу заҳоти етиб келди ва зарурий чораларни қўлладилар.  
Худого шукри, маълумот ёлғон бўлиб чиқди. Хўш, иши йўқ итини суғорар қабилида иш юритиб, ёлғон хабар тарқатётган галямисларга юртимиздаги тинчлик ёқмайтмикан? Ёки бундай қилиш улар учун мароқдими?

■ **Кўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади**



# Оамимий қутловлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида таркиб топан аънавий дўстона муносабатлар бундан бундан ҳам Арманистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни халқларимиз бахт-саодати йўлида ривожлантиришга кўмаклашадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ ҳамда сермашқатқат фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса омонлик ва равақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**■ Роберт КОЧАРЯН,**  
Арманистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларимиз Кипр Республикаси халқи ва Хукумати ҳамда шахсан ўз номидан муборакбод этишига ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан бундан ҳам кенгайиб бораверишига ишончим комил.

**■ Глафкос КЛЕРИДИС,**  
Кипр Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ярославль вилояти аҳли Ўзбекистондаги Президент сайлови якуниларини зўр мамуният билан қутиб олди. Халқингиз Сизнинг давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятингиз натижаларини муносиб баҳоладилар.

Республикангизни Ярославль билан боғлаб турган қалин алоқалар бу ҳақда тўла ишонч билан айтиш имконини беради.

Ҳамкорлигимиз йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда ва Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам, Ярославль вилояти учун ҳам тобора сезиларли самара бермоқда.

Ишончим комилки, бизнинг ўзаро манфаатли шериклик муносабатларимиз шунчаки сақланибгина қолмай, балки яна ҳам қалин алоқалар туфайли тобора ривожланиб бораверадилар.

Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин дилдан мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва омонлик ҳамда тинчлик, эзгулик, ҳамдўстлик ва равақ йўлида улкан зафарлар тилайман.

**■ Анатолий ЛИСИЦИН,**  
Ярославль вилояти губернатори,  
«Марказий Россия» минтақалараро иқтисодий уюшма президенти,  
Россия Федерация Кенгаши ва Хукумати аъзоси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Сизни сидқидилдан муборакбод этаман. Бу ғалаба мамлакатнинг истиқбол, унинг халқини равақ топтириш мақсадида Сиз танлаган йўлни Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлаётганининг далили бўлди.

Мамлакатингиз билан вилоятимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик бундан бундан ҳам одамларнинг фаровонлигига, Ўзбекистон билан вилоятимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга кўмаклашувчи самарали натижалар бераверишига шубҳа йўқ.

Эҳтиром ила,

**■ Ричард ХАЙДЕМАН,**  
«Б'най Б'рис» Халқаро ташкилотнинг Президенти  
Даниел МАРИАШИН, ижрочи вице-президент вазифасини бажарувчи

Сизга чин дилдан сихат-саломатлик, муваффақиятлар, омонлик, Ўзбекистон халқининг фаровонлиқ ва равақ чўққиллари га чиқиш борасидаги ишларда ишончли сафдошлар тилайман.

**■ Н. ШВЕЦ,**  
Украинанинг Днепропетровск вилоят давлат маъмурияти раиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан ЭКО Котибияти ходимлари ва шахсан ўз номидан Сизни муборакбод этишимга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон халқи Сизнинг моҳирона ва доно раҳбарлигингизда ўзининг равақ ва саодатли истиқбол сари ҳаракатини давом эттиришига ишонаман.

Президентлик лавозимида бўлишингизнинг янги муддати даврида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти дастурлари ва фаолиятидаги иштироки ҳамда унга солиқлиги яна ҳам кўпроқ мустақамлашишига ишончим комил.

Мухтарам Президент, фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга бўлган гоғт юксак эҳтиромимни изҳор этишни истардим.

**■ Ондер ОЗАР,**  
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, элчи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига буюқ ғалаба қозониб қайта сайланганингиз муносабати билан Франция савдо-саноат доиралари вакиллари номидан Сизга самимий қутловларни изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингиз остида мамлакат бундан бундан ҳам ўзининг иқтисодий юксалишини давом эттиришига ва Марказий Осиёда гоғт муҳим роль ўйнашига ишончимиз комил. Ўзингизга маълумки, Франция корхоналари ҳозирда Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда фаол қатнашиб келмоқда ва биз бу жаҳада яна ҳам кўпроқ иштирок этишни истардим.

Франция корхоналарининг «Медеф Интернациональ» ҳаракати бундан бундан ҳам икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш ва ривожлантириш учун кучгайрат сарфлайверадилар.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган гоғт юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**■ Кристиан МОНС,**  
Франция корхоналарининг «Медеф Интернациональ» ҳаракати вице-президенти, Марказий Осиё ва Кавказорли мамлакатлари билан ҳамкорлик қўмитасининг раиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА МУХТАРАМ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ!

Сизни Президентлик лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан «Б'най Б'рис» ташкилоти ва унинг ҳақонинг 58 мамлакатдаги аъзолари номидан қутловларимизни йўлаймиз ҳамда энг эзуғу ис-такларни тилаймиз.

Ишончимиз комилки, келажакдаги ойл-лар ва йиллар мамлакатингиз ҳамда унинг халқи фаровонлигининг ўсиши, Қўшма Штатлар ва Исроил билан алоқаларнинг яна ҳам жипслашуви, демократиялашнинг давом этиши ва қонунчиликнинг мустақамлашиши, шунингдек Ўзбекистон учун ва сизлар яшаб турган бутун минтақа учун тинчлик, барқарорлик даври бўлиб қоладилар.

Эҳтиром ила,

**■ Ричард ХАЙДЕМАН,**  
«Б'най Б'рис» Халқаро ташкилотнинг Президенти  
Даниел МАРИАШИН, ижрочи вице-президент вазифасини бажарувчи

Яқиндан бери икки давлат — Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги «Стратегик ҳамкорлик» тўғрисида эҳтиёткорона фикр юритилмоқда. Ваҳоланки, бундан бундан йил аввал бундай ҳамкорлик тўғрисида тахмин ҳам қилиб бўлмаэди. Энди эса Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги мулақо табиийдек туюлади. Россия ва Ўзбекистондаги халқаро террорчилик билан боғлиқ вужудга келишига туртки бўлди. Ушбу воқеалардан сўнг ҳар икки мамлакат ҳукуматлари раҳбарлари ўз давлатларининг миллий хавфсизлиги хусусида жиддий мулоҳаза юритиш ва бу борада ҳамфикр излашга мажбур бўлди. Шу сабабли, Ўзбекистон қудратли Россиянинг қўллаб-қувватлашидан манфаатдор бўлиб, Россия ҳукуматининг халқаро террорчиликни бартараф этишга йўналтирилган қатъий хатти-ҳаракатларини маъқулламоқда. Ўзбекистоннинг ўзида ҳам диний ва сиёсий экстремизм қораланмоқда ва жамият барқарорлигига хавф солиши мумкин бўлган ҳар қандай ури-ниш бартараф этилмоқда. Шу сабабли, икки раҳбар — Владимир Путин ва Ислом Каримов бир-бирларини яхши тушунди, ўзаро жиддий ҳамкорликка, жумлалан, иқтисодий интеграцияга катта эътибор берди. Ислом Каримовнинг шу йил январда бўлиб ўтган Президенти сайловидидаги ғалабаси (бу ҳақда «Независимая газета» хабар берган эди) Россия учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Россиянинг мазкур ҳудуддаги асосий ҳамкорининг мавқеи янада мустақамландилар. Мазкур сайлов жараёнига халқаро кўзатувчиларнинг катта қизиқиши «андозалар» («андозалар» Осиё, Африка, Европа ва Латин Америкасида бир хил бўлиши мумкин эмас) билан эмас, балки Ўзбекистоннинг сиёсий мавқеи ҳамда мусулмон ола-ми ва халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бораётгани билан боғлиқдир. Бирок, Россиянинг ўзи стратегик ҳамкорликка тайёрми? «Независимая газета»да Россияда Ўзбекистон ҳақида ахборот кам экани, бу ердаги бозор имкониятлари ўрганилмаётгани ҳақида эътибор, Россия стратегик таққидотлари инсти-туту директори Евгений Ко-жожининг бундай имкони-ятлар катта (масалан, Россиянинг тўқимачилик сано-ати Ўзбекистон пахтасига нихоятда боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон пахтасиз соҳа корхоналарининг 40 фоизи тўхтаб қолади) экани тўғри-сидаги фикри баён қилин-ган эди. Бирок, ушбу им-

кониятдан фойдаланишга объектив сабаблардан таш-қари, москвача олиффагар-чилик ҳам халал беради (Ев-ропа турганида, Ўзбекистон-нинг нима кераги бор?). Ўзбекистоннинг юқори ла-возимли мансабдорларидан бири афсус билан қайд эт-ганидек, жаҳон бозорида Ўзбекистон пахтасини ҳам, Россиянинг пўлатини ҳам ҳеч ким қутаётгани йўқ, ҳеч ким янги рақибларни гул ва олқш билан қутиб олмай-ди — бунни тушунишимиз ҳамда МДХ доирасида ўз

шундан далолат берадики, бунинг учун ҳамма имко-ният бор. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1996 йилдан бундан йил ички маҳ-сулотнинг кўпайиши куза-тилмоқда (ўтган йили у 4,5 фоизга яқинлашди), иқти-содиётда таркибий ўзгариш-лар содир бўлди, корхона-лар замонавийлаштирилди, қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинди. Нуфузли хорижий инвесторлар учун қулай му-ҳит яратилди ҳамда Ўзе-бекистон ҳукумати номидан

га қадар Ўзбекистонга олти миллион тоннагача нефт ташқаридан келтирилди. Саноат объектларининг қурилиши ёки замонавий-лаштирилиши (масалан, Фарғона нефтни қайта иш-лаш заводининг Япония-нинг «Мицуи» компанияси иштирокида тикланиши) ту-файли ижтимоий масалалар-ни ҳал қилиш ҳам кўзда ту-тилган. Ишсизлик даража-сининг камайирилиши, ай-никса, қишлоқ жойларида, республика барқарорлиги

айтадиган бўлсак, ўзаро стра-тегик ҳамкорлик муносаба-тларини ўрнатаётган икки давлатни ваёрон қилишга мўлжалланган, яхши ҳақ тўланган бу фирром уйининг моҳиятини Россия фуқаро-лари яхши англаб олиши (Ўзбекистон аҳли бунни ях-широқ тушунади) керак. Шу сабабли, айрим россиялик кўзатувчиларнинг, айникса, журналистларнинг гоғи-го-ҳидаги киноялари алмосқ-дан қолган гапни эслати-ди: демократиянинг «ўзбекча модели» хусусида ҳамда те-леэкрандаги сўз эркинлиги кўп жиҳатдан иттифоқ дав-ридаги ҳолатларни эсга со-лиши ҳақида киноя қилиш мумкин, албатта. Бирок, Тошкент ёки Москва мар-казида портлашлар содир бўлганида беихтиёр, кўп нар-салар, бундай олиб қараган-да, олдий ҳақиқатлар эсга ту-шади. Албатта, ҳар қандай цензура — яхши эмас ва де-мократияга хос бўлмаган ҳо-диса. Бирок биз Ўзбеки-стонда ҳозирги пайтда матбу-отда мутлақ эркинлик бе-рилиши — жамият барқарор-лигини барбод қилиш учун «ишончли» йўл эканини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу эса, ўз навбатида «Каримов-нинг тоталитар тузуми»ни йўқотишга, аниқроғи, ушбу тузум билан ҳамкорлик қилувчиларни, уни қўллаб-қувватловчиларни, айни пайтда олти миллиондан кам бўлмаган барча «гайридин-ларни» (бунга миллионга яқин руслар ҳам кирази) жисман йўқ қилишга қарат-илгани дастлабки туртки бўлиши мумкин.

# ҲАМКОРЛИК УЧУН ИМКОН

РОССИЯ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ВАЗИЯТНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН

бозоримизни ривожланти-ришимиз зарур. Ҳозирча Россия МДХ давлатлари нуқтаи назаридан қараган-да, йиллар давомида эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги масалани ҳал эта олмаётган ҳамкордир. Чунки, айрим россиялик мутахассислар-нинг фикрича, бундай худуд ташкил этилгач, Россия (МДХнинг бошқа давлатла-ридан фарқи ўлароқ) ўз имкониятларини қўлдан бой беради. Ўзбекистон эса, бо-шқача фикрда: Россия то-вар айирбошлашининг кен-гайиши ҳамда ўзининг иқти-содий ва савдо алоқалари ривожланиши туфайлигина фойда кўриши мумкин. Январь саммитида МДХ давлатлари бу борада қан-дай натижаларга эришгани-ни намоён этади, бирок рос-сиялик мутахассис ва биз-несменлар Ўзбекистон бо-зорини диққат билан ўрга-ниши зарурлиги шубҳасиз-дир.

Ўзбекистон узоқ муддат-ла ва ўзаро манфаатдор Рос-сия — Ўзбекистон ҳамкор-лигига тайёрми? Базан, ўзбекистонликлар бу ҳам-корликка биздан кўра ях-широқ тайёрларик қўрган, деган тасаввур пайдо бўла-ди. Бу ўринда у ердаги ички сиёсий барқарорлик янги-ликлар ва ислохотларни эз-ви ривожлантириш учун қулай шароитлар яратгани-га назарда тутилаётгани йўқ. Ўзбекистонликларнинг фикрича, аксинча — иқти-содиёт эркин ва демокра-тик сиёсий модел учун қулай шароит яратиши ке-ради. Ўзбекистон келажакда Шарқнинг етакчи мамлака-тига — «Шарқ йўлбарси»га айланадими ёки йўқми, бунни вақт кўрсатади. Аммо бутунги кундаги ислохотлар-нинг дастлабки натижалари

учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, диний экст-ремистик ташкилотлар гу-руҳлари асосан ёшлар ҳисо-бидан кенгайтирилмоқда (бунни Чеченистон ва До-ғистон мисолида кўришимиз мумкин). Шу сабабли, рес-публикада йилга 260 ми-инг ишчи ўрни ташкил этилмоқ-да. Ислохотлар давомида Ўзбекистон гапла мустақил-лигига эриши (иллари бу борада Россия ва Қозогис-тонга қарам эди). Бу ўрин-да шунини алоҳида таъкиллаш лозимки, Ўзбекистоннинг ишчи аҳолиси таъкиллаш лозимки, Ўзбекистоннинг ИУУАМ сиёсий блокага ки-риши шу билан ҳам изоҳ-ланадики, МДХ доирасида — Россия билан кенг қўла-ми алоқалар йўлга қўйил-магач — республика ўзининг соф иқтисодий муаммолари-ни ҳал эта олмаётган эди. Шу тариқа, иқтисодий ислохот-ларнинг «ўзбек модели»ни амалга ошган, деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда 1991 йилда Ўзбекистон Республикасида МДХ ва Марказий Осиё-нинг бошқа давлатларига нисбатан аҳвол мураккаброқ бўлганини тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон ҳам Россияда-ги ўқшаш — албатта сал бошқача даражада — бир му-аммога дуч келмоқда: ҳозир барчага бериб қўйилган му-лақ эркинлик мамлакат ич-қарисиди ва хорижгаги ай-рим носоголом кучларнинг ҳам «қўлини ечиб» юбормоқ-да. Шунинг учун ҳам ҳозир-нинг ўзидаёқ иккала раҳбар-га бир хил айб қўйилмоқда: Владимир Путин ҳозирнинг ўзидаёқ диктатура ўрнат-ишда айбланиб улгурди, Ислом Каримовга нисбатан қўлла-нилаётган «Каримовнинг то-талитар тузуми» деган ибора эса, оладга айланб қолган. Давлатни, аниқроқ қилиб



«Дўстликдон» хиссадорлик жамияти жамоаси 1999 йилни муваффақиятли якун-лади. Бир миллиард 543 миллион сўм даромад қилинган фикримизнинг далилидир. Соф фойда эса 30 миллион сўмни ташкил этди. Корхона ютуғига ил-ғор ишчилар муносиб ҳисса қўшишди. Улар 2000 йилда ҳам эл дастурхонига мўл, сифатли маҳсулот этказиб бериш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

### КОРА ҚИЛИШИ

Искандар Тоҳиров — 1976 йили Самарқанд туманида туғилган. У илгари ҳам жи-ноий қилмишлари учун суд-ланиб амнистияга асосан жазодан озод этилганди. Мансур Тошматов энди-гина 25 баҳорни қаршилаган норғул йигит, Андижон ви-лоятининг Бўз туманидан. Фарҳод Хужаназаров Наманган вилоятининг Чуст туманидан, севги, муҳаббат ёшда.

Ҳар учала йигит Тошкент шаҳридаги новвойхоналар-дан бирида тинчгина иш-лаб, ҳалол меҳнати билан ризқини тегиб, еб юрган-ди. Йигитларни шайтон йўлдан урдики ёки ақсиз-лик қилдики, бу ёғи бизга қоронгу. Лекин улар билиб, жиноятга қўл ўрди. Аниқ-роғи, меҳнатсиз бойишни, кўпроқ пул топишни ўйла-ганлари аниқ. Улар беғуноҳ, тирикчилик ташвишида юр-ган бир хоксор инсон ум-рига зомин бўлишди. Ис-кандар дўстларини пул учун жиноятга бошлади.

«...Бирорта «Нексия»ни Самарқандга савдо қила-ми. Йўлда шофёрни тин-читамиз. Автомашина ўзи-мизники бўлади, кейинчалик «Нексия»ни сотиб жарақ-жарақ пулларни бўлиб олиб чўнтакка урамиз. Шампан

Эртаси кун кечқурун оқ рангли шахсий «Нексия»ни Самарқандга 6 ми-инг сўмга савдо қилишди. Қашқадарь вилояти, Китоб тумани «Сариосиё» қишлоғида энди-гина 35 ба-ҳорни қаршилаган Шавкат

юргандан сўнг, Искандар ҳайдовчидан бир зумга тўхташни сўради. Машина тўхташи ҳамоно у шампан вноси идиши билан Азизовнинг бошига урди. Қарши-лик кўрсатган ҳайдовчини уч шоввоз, машинадан туши-риб, тошб-урон қилиб тинчитди. Шавкат-жонинг жон таслим қилганига иш о н ч х о с и л қ и л и ш у ч у н к а м а р б и л а н б ўғинди. Сўнгра унинг ши-мини ечиб, ичига тош тўли-дириши ва белига боғлаб ка-налга чўктиришди. Қўлга ки-рилган «Нексия»нинг ру-лига ўтирган Искандар шош-ганидан машинанинг олдин-ги ғилдирақларини чуқур ариққа тушириб қўйди. Ма-шинани ариқдан чиқариш-нинг иложи бўлмади. Унинг барча уринишлари зое кет-ди. Бунинг устига шу пайт

қандайдир номаълум маши-на кела бошлади. Улар ма-шина келгунга қадар жиноят содир этилган жойдан жуф-такни ростлаб қолди. Ле-кин бузоқнинг югургани со-монхонага эди...

Самарқанд туман ҳуқуқ-тартибот органлари ходимла-рининг тезкор сая-ҳаракати туфайли жиноятчилар эр-таси кунининг ўзидаёқ қўлга олинди. Мана, сизга ўзини йигит-миз, дея кўкрагига уриб юр-ган шоввозларнинг қилмиш-лари. «Нексия»га «ошиқ» йигит-лар маънавий қашшоқлик-лари туфайли умрларининг кўп қисминини панжаралар ор-тида ўтказишади. Улар қил-мишларига, қилган жиноят-ларига яраша жазо олишди.

**■ Баҳодир УМАРОВ,**  
Самарқанд тумани прокуратораси тегораси.  
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

# «НЕКСИЯ»ГА «ОШИҚ» ЙИГИТЛАР





# МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

**Мустақил Ўзбекистонимизнинг қисқа вақт ичида эришган ютуқлари бевосита Сизнинг номингиз билан боғлиқ. Сизнинг доно сиёсатингиз мамлакатимизни бутун дунёга танитди.**

**Минтақамизда тинчликни сақлаб қолишда Сиз илгари сураётган ғоялар жаҳон сиёсатдонлари томонидан эътироф этилаяпти. Бу бизнинг, бутун мамлакатимизнинг ютуғи.**

**Миллатимизнинг ютуғи!**

**2000 йил тарих зарварақларидан муносиб ўрин оладиган бўлди. Чунки, халқимиз 9 январь куни онгли равишда Сизнинг номзодингизни мустақил давлат Президентлигига муносиб топди. «Юлдуз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси Сиздек оқил, узоқни кўра олувчи юртбошимиз борлигидан ҳаммиша фахрланади.**

**Самимий кутловларимизни қабул этгайсиз.**

**Ўзингиз айтганингиздай: XXI аср барчамизга бахт ва саодат келтирсин!**

**«ЮЛДУЗ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

### 1. НАҚАДАР ОЖИЗСАН, ОДАМЗОТ!

Ўтган йилнинг сунги ойларида Туркия, Греция, Тайбей (Хитой) ҳамда Мексикада руй берган ерости силкинишлари одамзот бошига қулфатлар ёғдириш бўйича табиатда бундан ортиқ куч йўқлигини яна бир бор намойён этди. Инсоният йигирманчи юз йилликнинг сунги йилларида яшайётган бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз табиат олдига оҳиз, унинг сир-синоатлари қаршида ўзини йўқотиб, кўп талафотлар бераётгани аниқ ҳақиқат. Ва ер қимирлашнинг олдини олиш у ёқда турсин, уни олдиндан аниқ айтиб беришда мушкулликлар тугилмоқда. Тўғри, XX аср технологияси ўта ривожланган нуқтада турганлиги инкор этиб бўлмайди. Аммо, табиат барибир табиат-да.

XX аср тарих саҳифаларига улкан талафотлар ва табиий ҳалокатлар асри бўлиб кириши аниқ. Негаки, шу аср бошидан бери дунёда руй берган сув тошқинлари, кучли шамоллар ила тўфонлар, довуллар вулқонлар, қолаверса, зилзилалар... эҳ-ҳе, саногияям етиш қийин бўлиб қолди бу офатларнинг. Бундай фалокатлардан ўтган йилнинг ўзига қанчаси юз берди? Фақат зилзиланинг ўзидан шу асрда қанча одамнинг ёстиғи қурди? Рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу юз йилликдаги йўқо-тишлар нақалар «салмоқдорлигини» кўраемиз. Бироқ, бундан авваллари зилзилалар кам бўлган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Негаки, олдин ҳам кўп бўлган бундай офатлар. Фақат ўша пайтда уйлар асосан паст қаватли бўлганлиги сабаб кам талафот кўрилган. Бугунги осмонлар бинолар замонда эса инсоният ҳалокати шу пайтгача бой берилган йўқотишлардан охиб тушди. Статистиканинг шафқатсиз ҳисоб-китоблари шундан далolat берадики, йигирма аср мобайнида турли табиий офатлар сабаб Ер юзига 4 миллион кишининг ёстиғи қуриган. Шун-

дан тенг ярми зилзила сабаб ҳалок бўлган. Агар бу йўқо-тишларни фойзаларда ҳисоблайдиган бўлсак, инсониятга қирон келтирувчи куч асосан зилзила эканлиги аён бўлади.

Масалан:

1. Ерости силкиниши сабаб ҳалок бўлганлар — 50,9%,
2. Сув тошқинидан — 29,7%,
3. Бўронлардан — 16,9%,
4. Вулқонлар отилишидан — 1,9%,
5. Уммон ва денгиз тўқинлари ҳамда ер кўчиши ва ўлиришларидан — 0,6%.

Кўриниб турибдики, фақат зилзила сабаб 2 миллион одам қирилиб кетган. Бу кўрсаткич шу асрда юз берган жаҳон урушларидаги йўқотишларга деярли яқинлашиб қолади.

Шу ўринда савол туғилади: нафақат шу асрда, балки инсоният тарихида энг даҳшатли зилзила қачон бўлган, деган. 1908 йил 28 декабрда Сицилия оролларида Италия хулудига қарашли Мессина шаҳрида бўлган ерости силкиниши табиий ҳалокатлар орасида энг даҳшатлиси ҳисобланади. Ушанда шаҳар аҳолиси қаттиқ зилзиладан чўчиб уйғонган, бир неча дақиқа ичидаёқ шаҳар ва унинг атрофи кулпага айланган. Ушанда кучлининг Рихтер шкаласи бўйича магнитуда 7,5 гача етиб, зилзилдан сунг кучли цунами кутурган эди. Соҳилнинг бир қисми денгизга чўкиб кетди. Зилзилдан сунг чиққан ёнгин барча харобаларни ўз домига тортиди. Офатдан азият чекаювчиларга ёрдам бериш ва кутқарув ишларида иштирок этган бир киши унинг даҳшатлари ҳақида шундай эслади: «Харобалар орасидан юриб борар эканмиз, илгари қаерда кўча бўлганлиги ҳам билинмасди. Ерлар ёрилган, умуман борлиқ айқаш-уйқаш, цемент ва тошлар уюмига айланган. Ҳар томондан эшитиладиган инграшлар киши руҳини эзарди. Гузал Мессина энди йўқ эди. Тирик қолганларнинг кўпчилиги кутқарув ишларига кўнгилли бўлиб киришган. Бироқ, шундай диёнатсизлар ҳам бор эдики, вайронлар орасида изғиб қимматбахо буюм ва пул ахтарар, ҳаммаёқни титишар,

ҳатто мурдалар ва инграб ётган мажруҳларнинг ҳам ёнларини қавлашарди...»

Мессина зилзисидан юз мингдан ортиқ одамнинг ёстиғи қуриган.

1923 йили Японияда юз берган зилзила ҳам юз мингдан кўп одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Аслида Япония зилзилалар ўлкаси. Япон халқи доимо зилзила бўлиши мумкин деган хавф билан яшайдилар ва унинг олдини олиш талбирларини тез-тез ўтказиб турадилар. 1976 йили ҳам Токиода зилзила оқибатларини бартараф этишга оид машқ ўтказилаётган пайтда... кутилмаганда ерости силкиниши руй берди. Машқада 58 минг полициячи, юзлаб автомашиналар жалб этилган, осмонда эса кўпжа вертолётлар парвоз қиларди. Зилзила руй бергач, улار ростакам тез ёрдамга охиқдилар.

Умуман 1976 йили қурган замин учун зилзила йили бўлди. Бундай дейишимизга сабаб ўша йили Япониядан ташқари Гватемалада (февралда) ҳам офат руй берди. Мамлакат аҳолисининг 18 фоизи бошпанасиз қолди. 7 май куни эса Италияда юз берган зилзилада 900 киши ноубуд бўлди. Ушанда Жемон даҳаси батомом вайронга айланди. Июнь ойида Янги Гвинея офати натижасида вужудга келган сурилма бутун бошли қишлоқлардан 37 тасини босиб қолди. Қурбонлар сони 900 дан охиб кетди. 15 июнь куни Индонезиянинг Бали оролида руй берган зилзила эса табиати гузал бу оролнинг ғарбий қисмини (ярмини) кунпаяқ Сейсмик фол минтақалардан бири ҳисобланади, — дейди республика Фанлар академиясининг Фаи Мав-

лонов номидаги Сейсмология институту директори Қаҳҳор Абдуллабеков. — Бироқ Ўзбекистонда руй берган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бизгача етиб келмаган. Кейинги 100 — 200 йиллик маълумотлар бор, холос. Ундан илгарийлари тўғрисида эса айрим тасодифий маълумотлар сақланган ва шу омиларга қараганда тарихда кўп шаҳарларимизда талафотли зилзилалар руй бергани маълум бўлади. Масалан, 838-839 йилларда Фарғонада, 942 йили Бухорода, 1208-1209 йилларда Ур-

дан 1969 йилгача мингдан ортиқ зилзила руй берган. Бундан ташқари 1902 йилдаги 9-10 балик Андижон зилзисаи ҳам халқимиз бошига тушган энг қора ва аянчли кунлар сифатида эсланади. Чунки, шаҳар ўша пайтда тўла кунпаяқ бўлган. Минглаб одамларнинг ёстиғи қуриган».

Бундан ташқари Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида, масалан, Ашқобод (1929-1948), Қашқар (1902), Тожикистоннинг Ҳайит тумани (1949), Шимолий Тянь-Шан (1911), Красновоодск (ҳозирги Туркманбوشа) (1895), Қайроққум (1987) ерости силкинишлари ҳам кучли зилзилалар сира-сиса кирди.

Шу ўринда ҳақиқ савол туғилади: наҳотки ривожланган фан-техника асридаям зилзилани олдиндан аниқлашнинг иложи бўлмасая, деган.

«Ўзбекистонда аввалдан аниқлашнинг илмий асослари яратилган, — дейди сўзида давом этиб Қаҳҳор ака. — Ишонч билан бундай дейишимиз асоси бор, албатта. Асос шуки, олимларимиз томонидан тахминан 10 дан ортиқ зилзила олдиндан аниқланган. Масалан, 1976 йил 17 майдаги Газлининг иккинчи зилзисаи ҳақида аввалдан оғоҳлангиларин. Биринчи зилзила 8 апрелда бўлган ва сейсмологлар бу ҳақда маълумотга эга эмас эди, чунки у ерда сейсмик кузатув ишлари йўлга қўйилмаган эди-да. Шу кунги зилзилдан сунг дарҳол экспедиция ташкил қилинган ва яна зилзила бўлишини олдиндан айтиб берган. Бундан ташқари 1978 йил Андижондан 120 километр жанубдаги Олой зилзисаи (Рихтер шкаласи бўйича магнитуда-

си 6,8 га тенг эди) 1 ҳафта олдин аниқланган, яъни ушанда зилзиланинг аниқ даражаси — ерости сувлари таркиби, сатхи, электр магнит майдони, ернинг деформациялашуви сингари 7-8 тур кўрсаткичлар ўзгарганлиги 1 ҳафта олдинроқ намойён бўлган. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга тезда хабар қилинган. Кейин 1982 йили водийнинг Чимёнидаги, 1984 йил Попла, Қайроққум ва Жирғатолдаги зилзилалар ҳам сейсмик кузатув комиссияси томонидан олдиндан аниқланган».

Бугунги кунда зилзилани олдиндан айтиб бериш мумкин, қачонки, ҳар бир сейсмик ҳудудда кузатув ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, яъни асбоб-ускуналар етарли ва замонавий тусда, мутахассис кадрлар масаласи жой-жойида бўлса. Бироқ, бу ҳозирча назария, холос. Институтнинг илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиш борасида иқтисодиёт билан боғлиқ айрим мушкулликлар борки, бу илмиёт билан амалиёт ўртасида узилтишлар содир бўлиб турганини кўрсатмоқда.

Зилзилани олдиндан аниқ айтиш масаласида Америка ё Германия ёки бошқа бир Ғарб давлати эмас, балки Хитой би-

беришган ва аҳоли бир кун олдин ўша жойдан кўчириб кетилган. Зилзила тугача яна қайтишган.

Тошкент Сейсмология институту директорининг сўзларига қараганда, зилзила даражасини олдиндан сезувчи кузатув асбоблари дунёда биринчилардан бўлиб бизда ҳам яратилган. Фақат муаммо шундаки, сейсмик кузатув станциялари сони 11 та холос, яъни ҳар бир вилоятда 1 талдан. Аслида эса сейсмик ҳудудлаштирилган ҳаритага асосан 25 та етказилса, мақсадга мувофиқ бўларди Лекин, иқтисодий шароит... Агар ушбу муаммо ҳал этилса, зилзилани 70-80 фойз аниқликда олдиндан айтиб бериш имконияти туғилади.

Биз яшайётган XX асрда «майда-чуйда» ларини қўшмай ҳисоблаганда ер юзига 80 дан ортиқ ўта кучли зилзила содир бўлган ва барчасида минг-минглаб қурбонлар бўлган. Ер қимирлашларининг 25 фоизи Ўрта Ер денгизи, Кавказ ва Кичик Осиё минтақаларига тўғри келади. Мана кейинги 10 йилда шу минтақаларда юз берган табиий офатлар жаҳдлайча назар солинг-а, у сиз билан бизни, албатта ваҳимага солмай қўймайди.

■ Алимкул СУЛТОНОВ, журналист

## КИЁФА

# АЛОҚАЛАР ТИКЛАНЯПТИ

Калифорнияда АҚШ ва Эрон миллий футбол жамоаларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув катта қизиқишга сабаб бўлиб, минглаб америкалик эронийлар стадионни тўлдирди. 20 йил аввалги, Эрон ислом инқилобидан кейин Эрон футбол жамоаси илк бор АҚШга келди. Жамоалар ўзаро икки бора учрашган. Биринчи маротаба 1998 йили Франциядаги жаҳон чемпио-нати ўйинларида Эрон терма жамоаси америкалик футболчиларни маълум этганди. Ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасида расмий дипломатик муносабатлар йўқ. Маълумки, Эрон ва Америка яқин йиллардан буён маданий алоқаларни ривожлантира бошлади. Бугунги кунда Калифорния жанубида тахминан 600 мингга яқин эроний истиқомат қилади. Яна минглаб эроний Сан-Франциско яқини ва Техас штатларида яшайди. Эрон ва Америка футбол жамоаларининг ушбу учрашувлари икки мамлакат ўртасидаги дипломатик тағлиқни юмшатишига умид уйғотяпти. Кўплар воқеани 70-йиллардаги «стол теннис» дипломатиясига қиёслашмоқда. Ёдингизда бўлса, Америка ва Хитой алоқаларидаги зиддиятни юмшатиш учун хитойлик теннис усталари Америкага таширф буюрганди. Ана шу учрашувдан кейин АҚШ Президенти Ричард Никсоннинг Хитойга таширф учун пойдевор қўйилди. 1996 йили Эронда бўлиб ўтган президентлик сайловларида мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказиш дастури билан чиққан Муҳаммад Ҳотамий галаба қозонгач, Эрон ва Америка, қолаверса, ғарб давлатлари ва Эрон ўртасида муносабатларни яхшилаш учун илқикли пайдо бўлди. Ҳотамий ҳукумати ҳокимият тепасига келар экан, да-стлабки кунлардан бошлаб оқеанортки мамлакатни билан ҳамкорликни тиклаш ниятида эканлигини маълум қилди. АҚШ Президенти Билл Клинтон эса Эронда бўлиб

ўтган сайловлардан сунг: «Эрон-ликлар ўз мақсалига эришувчи халқ. Мен ўзаро совуққонлик барҳам топди, деб умид қиламан. Лекин, ҳозиргача бартараф этилиши лозим бўлган учта катта тўсиқ бор. Булар Эрон терроризмини сиёсат қилиб олмаслиги, араб мамлакатларининг Исроил билан тинчлик ўрнатишига монъелик қилмаслиги ҳамда оммавий қиргин қуролларини такомиллаштирмаслиги лозим» — деб баёнот берганди.

Айни кунда юқорида таъкидлаб ўтган сабабларнинг учинчиси АҚШ ва Эрон муносабатларини яхшила-нишига тўсиқлик қилмоқда. Яъни, Америка Эроннинг Россия-лар ядро реакторлари сотиб олиш интилишларига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

Яқинда эса Америка Марказий разведка бошқармаси Клинтон маъмуриятига Эрон борасида янги маълумот юборгани маълум бўлди. Унда баён этилган таҳлил қўра, ҳозир Эронда атом бомбасини яратиш имкони мавжуд, деган фарзлар бор.

Бироқ, Эрон кўп йиллардан буён ядровий қуролларни тарқатмаслик шартномасига риюа қилиб келётгани ва ядровий қуролларни яратиш бўйича ҳеч қандай амалларга қўл урмаганини баён этмоқда. Разведка маълумотларига қўра, расмий Техрон ўзининг ядровий бомбасини яқин орада ярата олиши тахмин қилинган.

Бугунги кунда Россия Эрон билан ядровий соҳада ҳамкорлик қилмоқда. Икки мамлакат расмий вакилларнинг таъкидлашича, бу ҳамкорлик атом электростанциялари қуриш билан чекланади. Эрон Россия ёрдамида Бушир шаҳрида атом электростанцияларини барпо этипти. Бунга эътироз билдириш мақсадида Вашингтон маъмурияти Эрон билан ядровий соҳада ҳамкорлик қилувчи Россиянинг икки илмий тадқиқот институтига қарши санкциялар жорий қилди. Би-



дан 1969 йилгача мингдан ортиқ зилзила руй берган. Бундан ташқари 1902 йилдаги 9-10 балик Андижон зилзисаи ҳам халқимиз бошига тушган энг қора ва аянчли кунлар сифатида эсланади. Чунки, шаҳар ўша пайтда тўла кунпаяқ бўлган. Минглаб одамларнинг ёстиғи қуриган».

Бундан ташқари Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида, масалан, Ашқобод (1929-1948), Қашқар (1902), Тожикистоннинг Ҳайит тумани (1949), Шимолий Тянь-Шан (1911), Красновоодск (ҳозирги Туркманбوشа) (1895), Қайроққум (1987) ерости силкинишлари ҳам кучли зилзилалар сира-сиса кирди.

Шу ўринда ҳақиқ савол туғилади: наҳотки ривожланган фан-техника асридаям зилзилани олдиндан аниқлашнинг иложи бўлмасая, деган.

«Ўзбекистонда аввалдан аниқлашнинг илмий асослари яратилган, — дейди сўзида давом этиб Қаҳҳор ака. — Ишонч билан бундай дейишимиз асоси бор, албатта. Асос шуки, олимларимиз томонидан тахминан 10 дан ортиқ зилзила олдиндан аниқланган. Масалан, 1976 йил 17 майдаги Газлининг иккинчи зилзисаи ҳақида аввалдан оғоҳлангиларин. Биринчи зилзила 8 апрелда бўлган ва сейсмологлар бу ҳақда маълумотга эга эмас эди, чунки у ерда сейсмик кузатув ишлари йўлга қўйилмаган эди-да. Шу кунги зилзилдан сунг дарҳол экспедиция ташкил қилинган ва яна зилзила бўлишини олдиндан айтиб берган. Бундан ташқари 1978 йил Андижондан 120 километр жанубдаги Олой зилзисаи (Рихтер шкаласи бўйича магнитуда-

Йил-лар	Мамла-катлар	Силкиниш кучи	Қурбонлар сони
1988	Арманистон	6,9	25 минг
1990	Эрон	7,7	50 минг
1993	Ҳиндистон	6,4	30 минг
1995	Япония	7,5	6 минг 300
1995	Сахалин	9-10	2 минг
1997	Эрон	6 ва	7,13 минг+4 минг
1998	Афронистон	6,1 ва 6,9	4 минг+5 минг 500
1999	Туркия	7,6	15 минг
1999	Тайбей (Хитой)	7,6	2 минг 250

ринчилардан. Пекинда вази-лик даражасида давлат сейс-мология бюроси ташкил этил-ган бўлиб, мамлакатнинг бар-ча вилоятларида бюро бўлим-лари кузатув олиб бориш-моқда. Улар ҳам бир неча бор зилзилаларни аввалдан аниқ-лашга муваффақ бўлишган. Масалан, 1975 йили Пекиндан 200 километр наридаги Хей Чин деган жойда биринчи куч-ли зилзилани олдиндан айтиб

Хўш, айнан Кавказ, Кичик Осиё ва Ўрта Ер денгизи минтақаларида кучли ерости силкинишлари тез-тез так-рорланишининг сабаби нима-да?

Умуман ер нега қимирлай-ди?

Бу ҳақда кейинги сонда тўхталамиз.

■ Алимкул СУЛТОНОВ, журналист



МИЛЛАТ ВА АДАБИЁТ

Бугунги кунда нафис адабиёт илими олимпиада фойдаланиш ва масъулиятлиги вазиёлат тур...

Норматов, О. Шарафидиновлар томонидан яратилган мазкур дарслик бугунги адабий-эстетик тафаккуримиз эришган ютуқларини, фазилатларини ўзида муассамлаштирган.

рилиши жиҳатидан аввалги дарсликлардан кескин фарқ қилади. Мазкур фазилатлар куйидаги хусусиятларда ўз инфодасини топган.

тик ўзбек адабиётига тамал тошларини куйган, унинг эстетик принципларини шакллантирган сўз санъаткорлари ижоди ва ҳаёти илк бор дарсликка олиб кирилган.

касб этиб боришда адиблар (Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғоибек, Миртемир, Зулфия, Р. Парфи, У. Ҳошимов, Ш. Холмиров ва Ҳ.К.) эстетикаси бадиий изланишлари билан узвий бирликка кузатишга эришилган.

жиздатдан ҳар бир босқичда бадиий-эстетик тафаккурнинг устувор хусусиятлари давр адабий жараёнини бош белгилари сифатида сарлавҳага чиқарилса (аср адабий ҳаётининг даврлаштирилишига оид бошлар), дарслик фазилати янада ортан бўлурди.

Учинчидан, талқинот бадиий тарихини илмий ўзлаштиришга қаратилган. Шундай экан, Усмонов Носир, Мирқарим Осим, Ёлдош Илёмов, Иззат Султон, Толиб Йўлдош, Чўлпон Эргаш, Хожиқабар Шайхон, Зоҳир Аълам, Хуриш Даврон сингари адибларимизнинг адабиётимиз тарихини белгилувчи асарларини дунёқарашлари билан уйғунликда ўрганиш XX аср ўзбек адабиёти манзарасини янада тўқис этган бўлурди.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қоқоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимкул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Узбекистон овози»)
Валерий ЛАБЕРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:


Сўбат — 133-20-36
Иқтисодийёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоиёда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Ургачда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаришда — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТВУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
НАВБАТЧИ Равайн ШОДИЕВ
Газета «Узбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
САҲИФАЛОВЧИ-ДАСТУРЧИ Бахтиёр ЖУМАНОВ
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона мазлизи: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Ўйхатдан ўтин тартити № 0004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Узбекистон овози» материалларини қўйиб босиш фақат таҳрират рухсати билан амалга оширилади. Г — 092
Тошпириш вақти -- 21.00. Тошпириш -- 00.00. 1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



говий-сиёсий ақида рад этилган. XX аср ўзбек бадиий-эстетик тафаккурининг тараққиёт босқичларига баъият тарихи нукта назаридан ёндашилган.

ний, гўзаллик ҳодисалари сифатида таҳлил этилади ва баҳоланади.

ларини ва умуман, юз йилликда кечган адабий жараён ҳодисаларини, санъаткорлар изланишларини, асарларини, тарихий сиёсий даврнинг адабий ҳужжати сифатида ўрганадилар.

фатида ўрганилаётган экан, бадиий-эстетик тафаккурнинг қайси йўналишлари, ётаки тамойиллари, қайси сўз санъаткорларининг ижодий изланишлари XXI аср адабиётимиз ривожига таъсир кўрсатиши, XXI аср маланий ҳаётининг табиий тўқини бўлиб давом этиши мумкин?

Шу маънода, бадиий феномени ўзининг барча тарихий тараққиёт босқичларида ў ёки бу «раҳнамо ёки ҳомийлар» шайига маҳ-сано ёдидирилган, ҳукмрон мафқураларга дастёрчилик қилишдан иборат бўлган эмас. У ҳаётнинг маънавий асосларини, инсон тиркчилигининг илдилларини талқин этишга қаратилган бадиий мундарижасига кўра «калқиннинг маънавий устуви» (Гегель таъбири) дейишга ҳамisha ҳақи бўлиб келган.

Иккинчидан, Абдулла Қодирийдан Тоғай Мурод асарларига, Чўлпондан Рауф Парфигача XX аср адабий ҳодисалари ҳақон бадиий-эстетик тафаккур камоли контекстида ўрганилади. Умумбаршарий қадриятлар мезони асосида ёндашилди.

Учинчидан, бадиий адабиёт, бадиий асар кўнгли хуши — ёсоф санъатининг бир белгиси эмас, кўнгли иши — ижтимоий, маърифий моҳияти билан гўзаллик ҳодисасига айланади, деган нуктага назар устувор.

Этмиш йил бадалла шўро мафқураси янги адабий-маданий қадриятлар яратиш учун социалистик реализм методини дастак қилиб олди. Унинг говийлик, синфийлик, партиявийлик сингари принциплари юксак бадиий-эстетик ме-

Дарсликда энг муҳими, XX аср ўзбек реалистик адабиёт эстетикасининг тарихийлик, миллийлик, ҳаётийлик, ҳақонийлик сингари ётаки принципларининг шаклланишида, янги-янги хусусиятлар

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 11, 25 февраля и 10 марта 2000 года в 10 часов аукционные торги.
На торги выставаются:
Автотранспортные средства:
1. Автомобильные в пользу бюджета РУз
— автомобиль ВАЗ-2109, стартовая цена 596400 сумов;
— автомобиль ВАЗ-21063, стартовая цена 346912 сумов;
— автомобиль ВАЗ-2105, стартовая цена 234338 сумов;
— автомобиль ВАЗ-2101, стартовая цена 156225 сумов;
— автомобиль ИЖ-21251-012, стартовая цена 206051 сум.

ЖАВОБИГА УМИД БОҒЛАБ

Наманганнинг «Навбахор» футболчилари Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг 1/4 финал учрашувида иштирок этидилар.

ТАЙСОН ТЕМИРМАС, ПЎЛАТ ЭKAN

Жаҳон бокс оламида «темир Майк» деб ном тартатган зарбизур Майк Тайсон аср жангини ўз фойдасига ҳал қилди. У шу пайтгача қанча учрашува қатнашган бўлса, бу тadbирлар асосан Америкада уюштирилган эди.

Тошкент молия институтини ректорати ва бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит кафедраси жамоаси бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит кафедраси мудири Баҳодир Ҳасановга бобоси Фармон ота БОЛТАЕВИНИ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХУКМАТЛАР

\* Бутун куч саломатлиқни сақлашга қаратилиш лозим, чунки саломатлигини бузилса, ҳаётинг ва маишатинг бузилади; ичишда, ейишда, ухлашда ҳаловат қолмайди.

залик шартларини жойига қўясан. Ўтиришда, яшашда, туришда, уйқуда, ейиш-ичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қоидага амал қиласан. Шунда табиғат эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

2000 йилда сиз билан ишлашга ва ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, 700100, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 35-уй, Телефонлар: 55-88-57, 55-99-01, 54-08-98

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълим, маданият, ҳуқуқ муассасалари, савдо ташкилотлари ва фирмалари раҳбарлари, шунингдек барча юридик ҳамда жисмоний шахслар диққатига! «ИШОНЧ-М» очиқ турдаги акциядорлик жамияти (собиқ «Узбекиндетал» заводи) ўзининг ва буюртмачининг хонасиёдан куйидаги махсус хизматлари тайёрлаб бериши мумкин: — креслолар — томошахоналар, мажлис, йилгилиш заллари учун — стуллар (темир оёқли — охионалар, синф ва хоналар учун — аланма креслолар — раҳбарлар ва ходимлар учун, саргарошхона учун — банкеткалар — фойе, вестиболь ва жамоа учун — кушеткалар — тиббиёт идоралари учун ҳамда ҳордиқ учун — ўқув парталари — болалар краватлари — истироҳат боғлари учун ўриндиқлар — офис мебеллари ва томошахоналар креслоларини таъмирлаш — буюртмага асосан ёғочдан ҳар хил рейкалар — ишлаб чиқариш учун штамплаш ва пайвандлаш ишларини бажариш — темир эшиклар, ҳар хил панжаралар — автомашина ўриндиқлари учун чехоллар — француз пардалари, портъерлар, ломбрикенлари ва бошқа тикув махсуслотлари

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2000 ЙИЛ 11, 25 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДА КИНОШДА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ
Савдоларга Тошкент шаҳар ҳўжалик суди ва Солиқ бош бўлимлари томонидан тақдими қилинган куйидаги мулклар куйилади:
«Муҳаддис-КМ» МЧЖга тегишли «Қишлоқ ҳўжалик махсуслотлари ишлаб чиқариши ва парранда боқишга мулкдорликнинг комплекс» бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм;
«Таш ПГС» АЖга тегишли:
— Вагон уй 1 дона, бошланғич баҳоси — 488 928 сўм;
— Вагон уй 1 дона, бошланғич баҳоси — 336 336 сўм;
— Вагон уй 1 дона, бошланғич баҳоси — 478 632 сўм;
— Вагон уй 1 дона, бошланғич баҳоси — 439 824 сўм;
— Вагон уй 1 дона, бошланғич баҳоси — 300 168 сўм;
— СМЖС станог 1 дона, бошланғич баҳоси — 292 578 сўм;
— СМЖС-357 станог 1 дона, бошланғич баҳоси — 360 096 сўм;
— СМЖС-357 станог 1 дона, бошланғич баҳоси — 319 176 сўм;
— Станок правий обрeзк 1 дона, бошланғич баҳоси — 319176 сўм;
— Контакт пайвандлаш аппарати 1 дона, бошланғич баҳоси — 153 450 сўм;
— ТИ-5222 пресс қайчи 1 дона, бошланғич баҳоси — 856 968 сўм.
«Тошқенцавтомобил» АЖ қарашли 3-сон қурилиш бошқармасига тегишли:
— «ГАЗ-24» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 70 000 сўм;
— «ВАЗ-2102» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 77 000 сўм;
— «ГАЗ-24» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 75 000 сўм;
— ВАЗ 21063 русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 90 000 сўм;
— ВАЗ — 21061 русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 75 000 сўм;
— ТИКО русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 300 000 сўм;
Якка тартибда қурувчилар учун мулкдорлик, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 га тенг бўлган ер майдонлари, бошланғич баҳоси — 269 339 сўм.
Мирзо Улўғбек туманидаги Темир Малек кўчасида жойлашган 16 Б-сонли ер майдони, бошланғич баҳоси — 269 339 сўм
Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.
Бизнинг янги манзилмиз:
Тошкент ш., А. Навоий кўчаси, 69 уй. («Ёш томошабинлар» театри) /ТЮЗ/ ўнг қанот Фотосалон орқали)
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

ВНИМАНИЕ! ВНИМАНИЕ!
3 марта 2000 года в 10.00 часов
Ташкентским городским муниципальным биржевым центром проводится конкурс по реализации, принадлежавшей ПО «Газнефтепродукт» АЗС № 92 (адрес: г. Ташкент С. Рахимовский р., ул. генерала Гафурова; стартовая цена — 9009936 сумов).
За справками и условиями проведения конкурса обращаться в Ташкентский городской муниципальный биржевой центр по адресу: г. Ташкент, ул. А. Калдыри, 13, 1-этаж, 1-комната, тел: 144-43-77, 144-72-50, 144-72-49. СПЕШИТЕ НА КОНКУРС!
Условия конкурса:
1. Сохранение профиля деятельности приобретенной АЗС в течение 3 лет со дня приобретения, без права перепродажи.
2. Обязательство перед покупателем АЗС стать членом Ассоциации частных АЗС.
3. Обязательство в течение трех лет поэтапно и по специально разработанной программе реконструировать АЗС до уровня мировых стандартов в части эстетики, культуры обслуживания, расширения сферы оказываемых услуг, инвестируя на эти цели в указанные сроки не менее 25% получаемой чистой прибыли.
4. Обеспечение бесперебойной работы АЗС, а также соблюдение и безусловное выполнение:
— «Временного положения о работе частных приватизированных АЗС», утвержденного постановлением Кабинета Министров республики Узбекистан от 9.06.94 г. № 290;
— требований постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по улучшению обеспечения нефтепродуктами г. Ташкента» от 7.09.98 г. № 382;
— «Порядка предоставления и оформления документов для получения лицензии на право реализации нефтепродуктов», утвержденного постановлением Кабинета Министров от 18.09.98 г. № 397.
5. Обеспечение санитарно-бытовых, противопожарных и экологических требований.
6. Предложения по цене.
7. Оказание дополнительных услуг населению (пункт замены масла, пункт мелкого ремонта автомобилей, мини рынок по продаже автозапчастей, и т.п.).
8. Обеспечение высокой культуры обслуживания населения.
9. Обеспечение бесперебойного снабжения высококачественными горюче-смазочными материалами (бензин, дизтопливо, масла) для реализации населению.
10. Содержание и благоустройство прилегающей территории к АЗС в соответствии с санитарными и пожарными нормами.
11. Льготное обслуживание участников войны и приравненных к ним категорий лиц.
Принем заявок на участие в конкурсе прекращается за трое суток до начала проведения конкурса.